

Ў.А.СУЛТОНОВ

**ТОШКЕНТ ҚОЗИХОНАСИГА ТЕГИШЛИ ТУРКИЙ-ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ
ХУЖЖАТЛАР ХУСУСИДА (XIX-XX АСР БОШЛАРИ)**

Средневековые тюркские письменные памятники уже достаточно полно изучены, но их исследование продолжается и поныне. Однако казийские документы Центральной Азии, составленные на тюркских языках, их внутреннее построение и языковые особенности, до сих пор не были объектом специального рассмотрения.

В данной статье нами предпринята попытка проанализировать тюркско-узбекские документы ташкентских казихан, относящиеся к XIX - началу XX века, на основе чего приведены образцы различных видов документов.

Türk yazı abideleri yetirme incelemeye çalışılmıştır. Yazar Taşkent kazıhanesindeki türk-özbeç belgelerini ayrıntılı olarak değerlendirmeye çalışmıştır.

Бугунги кунда қадимги, илк ва ривожланган ўрта асрларга мансуб туркий тилдаги ёзма манбалар, уларнинг тил хусусиятлари яхши ўрганилган. Бу борадаги изланишлар ҳозирда ҳам катта қизиқип билан давом этмоқда. Шунингдек, Амир Темур ва Темурий ҳукмдорлар ҳамда Олтин Ўрда хонларининг туркий тиллардаги ёрликлари тадқиқига алоҳида эътибор қаратилган. Бироқ, ўтмишда Марказий Осиё давлатлари маъмурий-ҳуқуқий иш юритиш тизимиға мансуб туркий тилдаги тарихий хужжатлар, уларнинг тузилиши, маҳсус атамалар, тил хусусиятлари (адабий тил ва диалект масаласи) атрофлича тадқиқ этилмаган. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсақ, минтақа тарихига оид туркий хужжатларни туркологияга оид тадқиқотлар доирасида амалга оширилиши долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Таникли хужжатшунос О.Д.Чеховичнинг кузатувларига қараганда минтақа тарихига оид 30 дан ортиқ хужжат тури мавжуд бўлиб, уларнинг катта қисми қозихоналар фаолиятига тегишли хужжатлардир [1, 80]. Мазкур туркум хужжатларнинг аксарияти форсий тилда битилгани сабаб ҳозирга қадар амалга оширилган ишларда туркий тилдаги хужжатлар тадқиқи борасида назарий билимлар ва амалий тажрибалар жуда камлиги маълум бўлади.

Марказий Осиё тарихига оид туркий тилдаги қозихона хужжатлари, айрим ҳолларда эса таржима хужжатлар тор доирада бўлса-да, ўрганилган. Хива хонлиги қозихонаси фаолиятига мансуб ўзбек тилидаги хужжатларнинг бир қисми эса каталог ва факсимил нашрининг амалга оширилиши бу борадаги муҳим ишлардан бири бўлди [2]. Бироқ, бу каби тадқиқотларда туркий-ўзбек тилларида қозихона хужжатлар тил, ҳуқуқий терминлар масаласига чукур тўхталиб ўтилмаган.

Мазкур мақола юқорида тилга олинган масалани Тошкент қозихонасининг 1867-1924 йилларда олиб борган фаолиятига тегипши хужжатлари мисолида тадқиқ этишга қаратилган. Ҳозирда ЎзР Марказий Давлат архиви фондидаги Тошкент қозихонасининг шаҳар қозиалони, тўрг даҳа қозилари ва ҳалқ қозилари (судъялари) съезди маҳкамаларига тегипши асосий ҳужжатлар б 6 та алоҳида жамғармаларга ажратилган [4, 5, 6, 7, 8]. Кўкча даҳаси қозихонасининг 1887-1889 йилларга бир иш дафтари ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаштаган 6361 рақамли қўлёзма китобдан ўрин олган [9, 144]. Бундан ташқари, бугунги кунда маҳаллий аҳоли қўлида ҳам унча кўп бўлмаган миқдорда Тошкент қозихонасига тегишши ўзбек тилидаги хужжатлар ва таржима нусхалари сақланади.

Мазкур жамғармаларда жамланган қозихона ҳужжатлари мазмунига кўра олди-сотди, гаров, иқрор бўлиш, даъводан воз кечиш, ижара, фуқаролар ҳужжатлари қайдномалари, ваколат хатлари, талоқ, мерос тақсимоти, тилкатлар, турли арзномалар, васийлик, ҳаджалар, ҳукмномалар, буйруқ ва эълонлардан иборат. Ушбу фондидаги Тошкент қозиалони маҳкамасига тегипши ўзбек тилидаги хужжатларнинг бир қисми 2009 йилда форсий ҳужжатлар таржимаси билан бирга илмий муомалага киритилган [10; 11]. Айримлар ҳужжатлар матни эса, икки тилда яъни, форс-ўзбек тилларида тузилган [11, 16; 78 ва бошқ.].

Шунингдек, ЎзР МДАнинг Туркистон генерал губернаторлиги Сирдарё вилояти бошқармаси иш ҳужжатлари ўрин олган 17-тарихий жамғармасида ҳам кўп бўлмаган ўзбек тилида тузилган ёки 19 асрнинг 80 йиллари ва 20 аср бошларида таржималари тайёрланган вақфномаларни ҳам ана шундай ҳужжатлар туркумига киритиш мумкин [12].

Биз кўриб чиқаётган Тошкент қозихонаси фаолиятига тегипши ҳужжатлар шундан далолат берадики, бир неча асрлик иш юритиш тизимида ўзига хос анъаналар ва амалий тажрибалар мустаҳкам шаклланган. Шу сабабли XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб бирданига ўзбек тилида иш юритишга ўтиш вақтида бир қатор қийинчиликларни юзага келгани шубҳасиз албатта. Бу жараён давлат иш ҳужжатларини ўзбек тилида олиб боришга анча оддин ўтган Хива хонлигидаги вазиятга қарагандга янада мураккаброқ кечган.

Қозихона иш дафтарларида ҳужжатларни ўзбек тилида олиб боришга катта эътибор қаратилса-да, матрука, иқрор, муқир, муваккил, ваколат каби араб тилидаги фикҳий терминлар ва сўзлар (куллан, нофиза, рағбатан ва ҳак.) ёки оммалашган форс-тожик тилларидағи сўзлар (шайваста, тахтабанди, ҳақраҳа, обраҳа, кучалик) таъсиридан чиқиш жуда қийин бўлган. Албатта бу ўринда уларнинг ўзбек тилидаги эквивалент сўзларини тошиш ва ўринли қўллашга бирданига киришишнинг имкони йўқ эди. Бу жараён эса анча вақт талаб қиласи эди.

Қозихонада иш юритиш тизимидағи ўзгаришлар ҳужжатлар матни, ички тузилишига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Ўрта асрлардаги классик ҳужжатлар ўрнини мазмуни қисқа ва лўнда баён этилган ҳажм

Ў.А.Султонов. Топкент қозихонасига тегипши туркий-ўзбек...

жиҳатдан анча кичик ҳужжатлар эгаллаган. Қозихона ҳужжатлари дастлаб маҳаллий кейинроқ кўп ҳолларда рус фабрика қоғозига тез настаълиқ хатида, иш дафтарлари эса маҳкама котибининг зич ёзилган дастхатида қайд қилиб борилган.

Топкент қозихонаси фаолиятида ўзбек тилидаги ҳужжатлар тузишда арабий-форсий терминларнинг ўзбек тилидаги маънодонини қўллаш масаласидан ташқари яна бир муаммо кўзга ташланади. Бу хукукий ҳужжат мазмунини ўзбек тилида лексик жиҳатдан тўғри жумлалар билан баён қилиш билан боғлиқ. Анъанавий қозихона ҳужжатларида формулярлардан калька услубида ҳужжат тузиш жараёнида, узундан-узун жумлалар ҳужжат мазмунига салбий таъмир кўрсатган.

Бундан ташқари, Россия империяси истиносидан сўнг кириб келган рус тилида иш юритиш тизими таъсирида қозихона иш ҳужжатларига европа тилларидағи сўзлар жадал кириб келиб ўрнашди. Хусусан, саналарни ёзишда григорян тақвимидаги ой номларини қўллаш – феврол, морт, африл, ўктобр (февраль, марта, апрель, октябрь каби); маъмурий-ҳарбий мансаблар – губернатор, генерал, полковник (губернатор, жондорол, пулкувник) ва бопк.; маъмурий тузилмалар – область, волость, участка (ублуст, булис, участка); ва бопкә сўзлар – копия, купең, записка (куфия, купия, куфес, зафиски) пулар жумласига киритиш мумкин.

Албатта, келгусида туркий тилдаги ёзма ёдгорликлар тадқиқига бағишлиланган изланишлар доирасида ушбу бу каби қозихона ҳужжатлари ҳам алоҳида йўналиш сифатида ўрганилиб борилади ва тегипши мөъёрлар ишлаб чиқилади деган умиддамиз. Куйида Топкент қозихонасининг ўрганилган даврга оид айрим ўзбек тилида тузилган ҳужжатлари ҳамда форсий тилдан қозихонада бажарилган таржималаридан намуналар келтириб ўтамиз.

Ҳужжат №1. Ўзбек тилида тузилган хатти иқрор ҳужжати:

Бир ҳовли, иморатлик, Топканд ичинда, Чақар-Чигатой маҳаллада. Қибла тарафи ҳаммаси Иноятбой Назар кулол ўғли мулкига ёпушган. Ва кунчиқар тарафи ҳаммаси кўча-и оммға ёпушган. Ва Туркистон тарафи ҳаммаси Акбарбой матрукасиға ёпушган. Ва Хўжанд тарафи ҳаммаси бопи берк кўчаға ёпушган, аломуллари маълумдур.

Тарих бир минг уч юз тўртингчى йилда жумод ул-аввал ойини 15 чи кунида (1887 йил 9 февраль) мўътабари шаръий қилди Назар кулол мазкур мўйсафид, мазкур маҳаллалик Марқабой ўғли сиҳатлик вақтинда ва жами иқрорини ноғизлик ҳолинда шул хусусдаким тамоми маҳдуди мазкур жами ҳақраҳа ва обраҳаси бирлан Гадойбой, ўзумни фарзандимни ҳақ ва мулкидур. Бас боқи қолмади мен муқирни тамоми мазкур маҳдуддга ҳеч бир важҳдин ҳаққим ва даъвоим ва хусуматим асло. Мазкур Гадойбой тасдиқ қилди мазкур муқирни иқрорини мазкур мажлисда. Мазкур Назар кулол хат билмаган сабабли ани илтимоси бўйинча менки Мухаммад Умар дафтар ёзгучидурман, таҳрир қилиб қўлум қўйдум. Мулла Инъом сўфи Додаҳон

сүфи ўғли ва Мўминбой Холбой ўғли гувоҳ бўлиб кўл қўйдилар. Мазкур Гадойбой қўлум қўйдум. Ушбуни менки қозийи Кўхча қўлум қўйдум

Мухр: Мулла Боймирза қози [9, 2].

Хужжат №2 (Таржима). Бешёғоч дарвозаси яқинидаги Мирзо Аҳмад күшбеги масжиди вақфномасидан амалга оширилган таржима:

Баёни бир бўлак ер, дўконлари билан. Тошканд шахрида, Бешёғоч дарвозасига яқин, андоғки, Хўжанд тарафи ҳаммаси анҳорга ёшишган. Туркистон тарафи ва кун чиқар тарафи ҳаммаси Катта кўчага пайваста, атрофлари маълум бўлди.

Иккингчи, баёни бир дўкон, таҳтабандлик, мазкур мавзеда. Андоғки, гарб тарафи ҳаммаси катта кўчага пайваста ва кун чиқар тарафи ҳаммаси мазкур анҳорга ёшишган. Туркистон тарафи кун чиқар тарафидек, жануб тарафи ҳаммаси Мирзо Аҳмад шарвоначи Муҳаммад Амин мирзо ўғлини мазкур мавзедаги масжидини вақф ерига ёшишган. Тўрт тарафи маълум. Андоғки, гарб тарафи ҳаммаси Саримсоқбой матрукасига ёшишган. Ва кун чиқар тарафи ҳаммаси катта кўчага ёшишган. Ва шимол тарафи ҳаммаси хос кипилар кўчасига ёшишган. Ва жануб тарафи ҳаммаси Топ Муҳаммад Турсун Муҳаммад ўғли мулкига ёшишган. Атрофи маълум бўлди.

Ва яна бир бўлак дўкон таҳтабандлик, мазкур мавзеда. Андоғки, гарб тарафи ҳаммаси катта кўчага ёшишган. Кун чиқар тарафи ҳаммаси мазкур анҳорга ёшишган. Туркистон тарафи Юнус Муҳаммад Ярашбой ўғли дўконига ёшишган. Хўжанд тарафи катта кўчага ёшишган. Атрофи маълум бўлди.

Ва яна бир бўлак дўкон таҳтабандлик, мазкур мавзеда. Андоғки, гарб тарафи ҳаммаси Тошканд кўргони тагига ёшишган. Кун тарафи ҳаммаси Катта кўчага пайваста. Туркистон тарафи ҳаммаси Дўстмуҳаммад Топимуҳаммад ўғли дўконига ёшишган. Атрофи маълум бўлди.

Тарих 1278 йилинда, сафар ойида (1861 йил, август) иқори мўътабар шаръий қилдилар мазкур Дўстмуҳаммад ва Муҳаммад Розик Ёдгорбой сўфи ўғли ва Яъкуб Ҳусайнбой ўғли ўз ризо ва ихтиёрлари билан иқорлари шариатда ростлик ҳолларида бу жумлагаки, бизлар иқор қилгувчиларни ҳар қаюмиз ушбу юқорида баён қилинмисп ер-худуд мазкурларни ижара важҳидин ушбу тарихдан бошлаб ҳар икки ой тамомида мазкур масжидни шаръий мутаваллиси Азизхўжа эпон Норхўжа эпон ўғлига бир кумуш танга маблағ бериб адo қиласиз деб, ушбу тариқа иқорларни мазкур мутавалли ... (?) туриб қабул қилинди. Шу ерда ҳодиса ёзилди.

Тарих 1303 йилинда барот (шабъон) ойини 19 чи кунида (1886 йил, 24 май) асл қадимги вақфнома васиқаси Муҳаммадхон эпон қозикалон Юнусхон эпон марҳум ўғиллари ҳузурларида бўлган мазкур вақфнома қозасидан зарурат юзасидан кам-у зиёда қилмасдан кўфия кўчириб берилди. Шу ерда ҳодиса ёзилди.

Одилхўжа эпон қози Офтобхўжа эпон ўғли мухрим босдим. Аслига тўғри деб саркотиб: имзо [12].

Ў.А.Султонов. Ташкент қозихонасига тегипли туркий-ўзбек...

Хужжат №3. Занжирлик маҳалласида жойлапган жомеъ масжид вақфномасининг ўзбек тилидаги кўчирма нусха-таржимаси:

1. Баёни бир бўлак дўкон, таҳтабандлик. Шайхонтахур [даҳаси] Занжирлик маҳалласида, усти болаҳоналиқ. Чунончи, гарб тарафи ҳаммаси Зокирбой Назармуҳаммад ўғли ерига, шарқ тарафи ҳаммаси Қосимбой халифа сўфи мархумдан қолган меросий мулк билан туташган. Шимол тарафи беш газ ним чорак, ҳаммаси омма йўлига, жануб тарафи беш газ се чорак ҳаммаси мазкур Қосим халифадан қолган меросий мулкига туташган. Тўрт тарафи аломатлари маълум бўлди.

2. Бир бўлак дўкон, таҳтабандлик, мазкур Шайхонтахур даҳасига тобе Занжирлик маҳалласида, Ҳазрат Шайх Хованд Таҳур мозори шарифларини майдонларида. Фарб тарафи беш ярим газ, ҳаммаси мазкур мозори шарифнинг майдонидаги йўлга туташ, шарқ тарафи беш ярим газ, ҳаммаси Эшонкули доддоҳ мадрасасига туташган. Шимол тарафи тўрт газ, ҳаммаси Эшонкули доддоҳ мадрасаси вақф дўконига туташ, жануб тарафи тўрт газ. Ҳаммаси Лангар масжиди вақф дўконига туташган. Тўрт тарафи аломатлари маълум бўлди.

3. Бир беш вақтлик масжид. Мазкур Шайхонтахур даҳасига тобе Занжирлик маҳалласининг Пасткӯчасида, курдирувчиси Абдунизомбойҳожи марҳум. Фарб тарафи ҳаммаси хос берк кўчага, шарқ тарафи ҳаммаси омма йўлига, шимол тарафи ҳаммаси Миржамилбой ўғли ерига, жануб тарафи ҳаммаси омма йўлига туташган. Тўрт тарафи аломатлари маълум бўлди.

Тарих 1912 йил 2 декабрда менким тубанда кўл қўйғувчи Абдувалижон, мазкур Занжирлик маҳаллалик мулла Абдумалик ўғлидурман, ўз ризо ва ихтиёrim билан иқори мўътабар шаръий қиласманки, ушбу юқорида баён қилинган биринчи худудни ҳаммасини, иккинчи худудни ускуна ва ҳақ иқрорларини ҳаммасини, ўз ҳақ ва мулкимдур, ҳаммасини жамиъ ҳуқуқ ва марофиқлари билан ўз мулкимдан ихрож айлаб юқорида баён бўлган учинчи худуд – вафот бўлган биродарим Абдунизомбойҳожи марҳум мулла Абдумалик охунд ўғли бино қилган масжидга вақфи саҳиҳ ва тасдиғи шаръий қилдим, худони ризоси учун.

Ва мен иқорор бўлгувчи шарт қилдимки, ушбу биринчи ва иккинчи худудларга мазкур учунчи худудга [масжидга] ким имом бўлса ўша одам мутавалли бўлсин. Ва яна шарт қилдимки, мазкур биринчи ва иккинчи худудларни ҳосилотларини аввало мазкур худудларни шикастига сарф ва ҳарж айлаб зиёдасини ўн бўлак айлаб мазкур масжиднинг имоми бир бўлагини мутавалилиги тўғрисидан олсин. Қолган олти бўлагини имомлиги тўғрисидан олсин. Қолган уч бўлагини беш вақт намозга аzon айтгучи муazzинга берилсин деб

Имзо: Абдувалижоҳи Абдумалик ўғли, Абдураҳмонжоҳи Абдунизом ўғли, Абдузафаржоҳи Низомжоҳи ўғли. Ушбу вақфнома

ТУРКОЛОГИЯ, № 1-2, 2011

тасдиқ этилди, №829. Ушбу дўконларни мазкур масжидга вакф деб билинур, 1917 йил. Раис: мула Руслан Расулхўжа ўғли [13].

АДАБИЁТЛАР

1. Чехович О.Д. (1969), “Задачи среднеазиатской дипломатики”, “Народы Азии и Африки, №6: 75-82.
2. Каталог хивинских казийских документов XIX - начало XX вв.: Составители: А.Урунбаев, Т.Хорикава, Т.Файзиев, Г.Джуреева, К.Исогай (2001), Ташкент-Киото.
3. ЎзРМДА. Фонд-164. Тошкент қозикалони, 58 та йигма жилд. 1891-1901й.
4. ЎзРМДА. Фонд-362. Тошкент шаҳри қозилар съезди, 59 та йигма жилд. 1869-1916й.
5. ЎзРМДА. Фонд-363. Бешёғоч даҳа қозиси, 97 та йигма жилд. 1869-1916й.
6. ЎзРМДА. Фонд-364. Кўкча даҳа қозиси, 91 та йигма жилд. 1870-1924й.
7. ЎзРМДА. Фонд-365. Себзор даҳа қозиси, 94 та йигма жилд. 1869-1924й.
8. ЎзРМДА. Фонд-366. Шайхонтахур даҳа қозиси, 111 та йигма жилд. 1868-1923 йй.
9. ЎзРФА ШИ қўлёзмаси, №6361. 144 варақ.
10. Юнусхўжаева М., Мирисимова У. (1983) *Тошкент тарихига доир ҳужжатлар*. Тошкент: Фан.
11. Себзор даҳаси қозиси фаолиятига оид ҳужжатлар (2009). Тузувчилар: F.Каримов, Ш.Зиёдов, П.Сартори, Тошкент: Ўзбекистон.
12. ЎзРМДА. И-17 жамғарма. 1-рўйхат. 32573/1 йигма жилд.
13. ЎзРМДА. И-17 жамғарма. 1-рўйхат. 32663/83 йигма жилд.

REZUME

U.SULTANOV (Tashkent)

**ABOUT TURKIC-UZBEK DOCUMENTS OF TASHKENT COURT
AT THE SECOND HALF OF XIX AND BEGINNING OF XX CENTURIES**

Medieval Turkic written monuments have already been studied full enough, but their research proceeds and until now. However Kazi documents of the Central Asia made in Turkic language, their internal construction and language features, have not been researched as an object of special consideration.

In the given article we undertake attempt to analyse the Turcik -Uzbek documents of Tashkent Court, concerning to the second half of XIX and beginning of XX centuries on the basis of what samples of various kinds of documents are resulted.